



# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 16 сентябрь ● сешанба ● № 40 (599) ● e-mail: inson\_va\_qonun@mail.ru

● **Ўзбекистон Миллий университети — 90 ёшда**

## ИЛМ ВА МАЪРИФАТ МАСКАНИНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛИ



Президентимизнинг 2008 йил 9 апрелдаги «Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори мамлакатимиздаги барча зиёлилар қатори ҳуқуқшунослар қалбини ҳам тўлқинлантириб юборди. Эеро, юртимизда ҳуқуқшунослик соҳасининг ҳам бешити мана шу ўқув даргоҳи бўлган. Юбилей муносабати билан бу ўқув даргоҳида қатор тадбирлар ва анжуманлар ўтказилмоқда.

● **2008 йил — «Ёшлар йили»**

Олий адабиёт ҳамда Олий журналистика курслари, 2 та академик лицей, ўқув-амалиёт маркази, Ижтимоий тадқиқотлар маркази, Амалий экология ва Табиатдан унумли фойдаланиш марказлари ишлаб турибди.

Республикамизда халқ хўжалиги соҳалари учун юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни инobatга олган ҳолда биоинформатика, биокимё, биофизика, генетика, фойдали қазилмалар конларини қидириш ва башорат қилиш, компьютер лингвистикаси каби яна кўплаб янги таълим йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

Аспирантлар ва илмий тадқиқотчиларнинг илмий ишлари ҳимоясини амалга ошириш мақсадида университетда 12 та, жумладан, 7 та докторлик ва 5 та номзодлик ҳимоялари бўйича Иختисослашган кенгашлар фаолият юритмоқда, 79 та иختисослик бўйича фан номзодлари, ва 25 та иختисослик бўйича фан докторлари тайёрланмоқда.



### ТАРИХГА БИР НАЗАР

Бугунги кунда катта нуфузга эга бўлган университетимиз 1918 йилда ташкил этилган бўлиб, у қатор йиллар турли номлар билан аталиб келинган. Яъни, 1918 йилда Мусулмон халқ дарилфунни, 1918-1919 йилларда Туркистон халқ университети, 1919-1923 йилларда Туркистон давлат университети, 1923-1960 йилларда Ўрта Осиё Давлат университети, 1960-2000 йилларда Тошкент Давлат университети деб номланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 сентябрдаги «Тошкент Давлат университетига Мирзо Улугбек номи бериш тўғрисида»ги қарорига биноан Тошкент Давлат университети буюк олим ва мутафаккир аждодимиз Мирзо Улугбек номи берилган.

Президентимизнинг 2000 йил 28 январдаги «Тошкент Давлат уни-

верситетига «Ўзбекистон Миллий университети» мақомини бериш тўғрисида»ги Фармони билан бу кўтуғ ўқув даргоҳи янада юксак мақомга эга бўлди ва у айна пайтда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети деб аталмоқда.

**ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ**  
Миллий университетимиз бугун кўплаб соҳалар учун малакали, етук мутахассислар тайёрлайдиган илм ва маърифат масканига айланган. Айни вақтда унинг таркибиде 13 та факультет (тупроқшунослик, география, геология, журналистика, иқтисодиёт, кимё, механика-математика, тарих, фалсафа, физика, хорижий филология, ўзбек филологияси, ҳуқуқшунослик), 95 та кафедра, 16 та илмий лаборатория фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Олий педагогика институти, Амалий физика илмий текшириш институти,

## МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» НИГОҲИДА

### ҚАРЗДОРГА ҚАЙТАРИЛДИ

«Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси муҳбири С.Ёдиқовнинг «Бир минарга от берма» мақоласи Суд департаменти томонидан ўрганилди.


Аниқланишича, Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2008 йил 31 мартдаги қарздор «Ангор-пахта»дан «Матбуот таркатувчи» шўъба корхонаси фойдасига 6,0 миллион сўм ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати суд ижрочиларининг Ангор тумани бўлими иш юритувига 2008 йил 15 май кунини келиб тушган.

Суд ижросини томонидан амалга оширилган мажбурий ижро ҳаракатлари жараёнида қарздорга тегишли «Нексия» русумли автомашина хатлашиб, мутахассис томонидан 14,1 миллион сўмга баҳоланган ва 2008 йил 4 июлда реализация қилиш учун биржага топширилган.

Ўтказилган биржа савдоларида ушбу автомашинага харидор топилмаганлиги сабабли 2008 йил 11

август кунини қайта савдога қўйилган.  
2008 йил 15 август кунини қарздордан инкасса топшириқномаси орқали суд ижрочиларининг депозит ҳисоб рақамига 6,0 миллион сўм ундирилган бўлиб, ушбу сумма 2008 йил 18 августда «Матбуот таркатувчи» шўъба корхонаси фойдасига ўтказиб берилган.

Шунга қўра, ижро иши юритишни тамомланган ва автомашина сотувдан олиниб, қарздорга қайтарилган.  
Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2007 йил 6 сентябрдаги қарздор Жарқўрган тумани «Сурхонпахта» ОТХЖдан



ундирувчи вилоят «Матбуот таркатувчи» шўъба корхонаси фойдасига 4,2 миллион сўм ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати ўрганиш кунига қадар суд ижрочиларининг Жарқўрган тумани бўлими иш юритувига келиб тушмаганлиги аниқланди.

**У.АБДУАЛИЕВ,**  
Республика суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти бошқарма бошлиғи

### ШИКОЯТ ЎРГАНИБ ЧИҚИЛДИ, ҚАРОР БЕКОР ҚИЛИНДИ

Қарши шаҳри 7-кичик туман, 5-уй, 6-хонадонда яшовчи фуқаро Эсанова Муқаддаснинг Миришкор тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари Самадов Тўлқин томонидан содир этилган ноқонуний ҳаракатлар юзасидан чора кўрилмаганлиги ҳақидаги аризаси мавжуд материалларни ўрганиш орқали кўриб чиқилди.

Аниқланишича, М.Эсанова Миришкор тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари Т.Самадов билан

2006-2007 йиллар мобайнида фуқаровий никоҳда яшаб келган. 2007 йилда қизи Эъзоз туғилганидан кейин муносабатлари ёмонлашиб, Т.Самадов М.Эсанова ва болаларининг таъминоти билан қизиқмай қўйганлиги ҳақида Қарши шаҳар прокурори номига ариза ёзиб, чора кўришни сўраган.

Ариза юзасидан Қарши шаҳар прокурорининг 2008 йил 27 апрелдаги 16/399-2008-сонли алоқа хатига асосан Қашқадарё вилояти ИИБ масъул ходимлари таркибидеги комиссия томонидан хизмат текшируви ўтказилган ва Т.Самадов томонидан Ўзбекистон Республикаси ИИВининг 1993 йилдаги 446-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Касб одобномаси» талабларига амал қилинмаганли-

ги аниқланиб, лавозимидан озод қилиш ҳақида Ички ишлар вазирлигига таклиф киритилган ва Миришкор тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари лавозимидан озод қилинган.

М.Эсанованиннг аризаси юзасидан тўпланган материаллар бўйича Қарши шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А.Боймуродов томонидан терговолди текшириш ҳаракатлари ўтказилган ва текшириш натижасига қўра Т.Самадовнинг ҳаракатларида жиноят бўлмаганлиги қайд этилиб, 2008 йил 16 июнь кунини ЖПКнинг 83-моддаси, 2-бандига асосан жиноят иши кўзгатишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Ушбу қарор вилоят прокуратураси томонидан назорат тартибда ўрганиб чиқилиб, 2008 йил 2 сентябрда бекор қилинди.

**А.ЖўРАЛОВ,**  
Қашқадарё вилояти прокурорининг 1-ўринбосари, адлия маслаҳатчиси

## Тизим Тадбирлари

МУНОСИБ  
ВОРИСЛАРИМИЗ

Муस्ताқил юртимизда яратилган кенг имкониятлар, катта гамхўрликларга жавобан ёшларимиз ўз билим ва иқтидорлари билан дунё миқёсида Ўзбекистон шаънини улуғлаб, ажойиб ютуқларга эришмоқдалар.

Яқинда Корея Республикасида Осиёнинг 22 давлатидан ташриф буюрган ёшлар иштирокида ўтказилган «Осиё келажаги учун ёшлар» халқаро фестивалида ўзбекистонлик талабалар фаол катнашиб, голибликни қўлга киритдилар. Улар орасида «Инсон ва қонун» газетасининг махсус муҳбири Дилфуза Эргашева ҳам бор.

Адлия вазирлигида бўлиб ўтган учрашулда Дилфуза Эргашева Кореяда олган таассуротлари, хорижий ёшларнинг юртимиз маданияти, илм-фанига қизиқишлари ҳақида сўзлаб берди. Учрашув қизғин савол-жавоб тарзида ўтди.

Дилором МАТКАРИМОВА

### ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Навоий шаҳрида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси ташаббуси билан Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ўзбекистон судлар ва адвокатлар ассоциациялари ҳамкорлигида ўтказилган семинар «Омбудсманнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлиги» мавзусига бағишланди.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, лойиҳа мувофиқлаштирувчисининг катта маслаҳатчиси Б.Пуо ҳамда республикадаги ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари билан иборат эксперт гуруҳлари аъзолари томонидан тақдим этилган барча чиқишларда инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилиб, Ўзбекистонда бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида фикрлар билдирилди.

Маруса ҲОСИЛОВА,  
«Инсон ва қонун» муҳбири

### СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ ФАРЗАНД

Президентимизнинг 2008 йил 18 июндаги «Болалиқдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда иш режаси ишлаб чиқилиб, ушбу режага асосан вилоят скрининг марказида «Соғлом оилда соғлом фарзанд туғилади» мавзусида семинар ўтказилди.

Ушбу семинарда қон-қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари, никоҳ ва саломатлик, оилда тиббий маданият, никоҳдан олдин тиббий кўрик, эрта никоҳнинг зарарли оқибатлари, репродуктив саломатлик мавзуларига алоҳида эътибор қаратилди.

Гулиҳаё РАСУЛОВА,  
Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ходими

### ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАР АСОСИДА

Хоразм вилояти адлия бошқармасида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш — асосий вазифамиз» мавзусида амалий семинар машғулотида бу борада устувор вазифалар ечими билан боғлиқ қатор саволларга жавоб изланди. Президентимизнинг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишлари яхшилаш ҳақида»ги Фармони талабларини бажаришга қаратилган тадбирлар ана шу саволларнинг амалдаги жавоби эканлиги анжуманда алоҳида таъкидланди.

Бугунги кунда фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқлари юзасидан турли идораларга эмас, балки айнан тегишли ваколатли маҳкамаларга мурожаат қилишга, шартномавийлик ҳаёт мезонига айланаяпти.

Семинар машғулотида аҳоли ҳуқуқий билиминини оширишга қаратилган тадбирлар самарадорлигини, мутасаддилар масъулиятини янада ошириш борасидаги вазифаларни изчил бажариш йўл-йўриқлари асослаб берилди.

Илҳом ТЎРАЕВ,  
Хоразм вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

### ҲУҚУҚШУНОС-МАСЛАҲАТЧИЛАР ТАДБИРИ

Олтириқ тумани ҳокимлиги мажлислар залида Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимият органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда тумандаги юридик хизмат ходимлари иштирок этиб, уларнинг қизиқтирган саволларга жавоб олинди.  
Шунингдек, ҳуқуқшунос-маслаҳатчилар таклифига биноан келгусида бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туришга келишиб олинди.

Шоҳистахон КАРИМОВА,  
Фарғона вилояти адлия бошқармаси ходими

# ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ - МУҚАДДАС!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдига "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони халқимиз томонидан жуда қизиқиш ва кўтаринки кайфият билан кутиб олинди. Ваҳоланки, ушбу Фармоннинг мақсадларидан бири, аввало, аҳолини Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳиятидан, Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан яна бир қарра баҳардор қилишга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органлар ва мансабдор шахслар масъулиятини янада оширишга ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган кунни кенг нишонлашга қаратилган.

Маълумки, XX асрнинг биринчи ярми дунё халқлари учун жуда оғир кечди. Аксарият мамлакатларда тинч аҳолини урушларга жалб қилиш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини камситиш, уларни мамлакатлараро қувғин қилиш, қулқоқ қилиш, қатанга қилиш, қийноққа солиш, ноҳақ жазо бериш ҳолатлари, иркий ва миллатлараро низошлар кескин тус олдди. Инсон шаъни, қадр-қиммати топталди. Узоққа бормайлик, бу кунларни ўзимиз ҳам бoshдан кечирдик. Биз мустақиллик даврида 1937 - 1953 йиллар ораллиғида юз мингга яқин ватандошларимиз қатогон қилинганлигини, уларнинг 13 минг нафарини отиб ўлдирилганлигини ҳеч қачон унутмаймиз. Уша кезларда шунга ўхшаш ғайриинсоний ҳаракатлар қўйинча мамлакатларга худди оқулни касаллик сингари тарқалган эди.

Халқаро тус олган бундай вазият Бирлашган Миллатлар Ташкилотини бефарқ қолдирмади. БМТнинг Ижтимоий ва Иқтисодий Кенгаши томонидан 1946 йилда тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссия Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси лойиҳасини ишлаб чиқди. Ушбу лойиҳа Бирлашган Миллатлар Ташкилоти-

белгилаб қўйилган. Ер қурраида яшовчи барча халқлар манфаатларини назарда тутувчи бундай халқаро аҳамиятга молик муқаддас ҳужжатнинг қабул қилиниши нафақат Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар, балки ҳамма учун ҳам қувонарли воқеа бўлди. Бу ҳужжат халқлар-аро Конституция тимсолида дунё халқларининг иркидан, рангидан, миллатидан, тилидан, ижтимоий келиб чиқишидан, моддий аҳолидан қатъи назар, оодоз ва эркин ҳамда тенгликда яшаш ҳуқуқини белгилаб берди. Зеро, бу халқаро ҳужжат тавсиявий аҳамиятга молик бўлса-да, давлатлар томонидан унинг ратификация қилиниши уни меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат даражасига кўтарди. Шу нуқтаи назардан унинг таъсир кучи кенг ва қатта бўлади.

Инкор этмаслик лозимки, Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлганига қадар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳиятидан юртдошларимизнинг ҳаммаси ҳам баҳардор эмас эди. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидаёқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ратификация қилинди ва ундаги инсонпарвар мезонлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий меъёриларига айланди.

Эндиликда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига кўра, "Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликнинг Конституция ва қонулар билан ҳимоя қилинади". Эътибор беринг-а, инсон ҳуқуқларига, унинг қадр-қимматига бўлган бу қадар эзгу муносабатни илгари биринчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда қўрганмиз-



бундай ҳуқуқларнинг бузилиши, инсон шаъни ва қадр-қимматининг камситилиши билан боғлиқ ҳаракатлар жиноят деб эътироф этилди. Суриштирув, дастлабки тергов ва оидил судлов органлари томонидан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш учун жиноятчи ҳисобланади.

Умуман, мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш асослари ва уни ҳимоя қилиш, унга риоя этиш ҳолатини мониторинг қилиш механизми тўлиқ яратилган ҳамда ҳар бир инсоннинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиб олиш учун етарли шароитлар ташкил қилинган. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида биргина ўтган йили мисолида мамлакатимиз бўйича 4 миллиондан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилган.

Утказилган тадбирларнинг 2,5 миллиондан ортиғида аҳолига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти тушунирилган, 46 мингдан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбирлари эса бевосита инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид қонунчилик мазмун-моҳиятини тушуниришга бағишланган.

Хулоса қилиб шунга айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янада кенгайтириш, аҳолининг, айниқса давлат хизматчиларининг ҳуқуқий маданиятини мунтазам юксалтириб боришни, ҳар бир инсонда ўзгалар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш одобини шакллантиришни, инсоннинг шаъни ва қадр-қимматини ҳар доим, ҳар жойда улуглашди тақозо этади. Зеро, инсон ҳуқуқлари муқаддасдир.

# ОДАМ САВДОСИ

хавфсизлик даражасига кўра кенг тус олган трансмиллий жиноятдир

Одам савдоси асримизнинг гоятда кенг тус олган трансмиллий жиноятлари сирасига кирди. Ушбу жиноят хавфлилик даражасига кўра ушдан жиноятчиликка наркотиклар ва қурол-яроқларнинг ноқонуний савдосидан кейинги учинчи ўринни эгаллайди. Халқаро экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, одам савдосидан олинган фойда йилга 9,5 миллиард АҚШ долларини ошади. Ҳар йили миллионлаб кишилар бу жиноятнинг жабрланувчисига айланади. Уларнинг 90 фоиздан кабрларини аёллар ва болалар ташкил этади.

Бугунги кунга келиб, одам савдосига қарши кураш самардорлигини оширишга, бу йўлда барча давлатлар томонидан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилиши халқаро ҳамжамият алоҳида эътибор қаратмоқда. 2008 йил декабрь ойида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан "Трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция" ва уни тўлдирувчи "Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш бўйича Протокол" қабул қилинди.



Абдуқамол РАҲМОНОВ, Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

## Дастур амалда

# ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Президентимизнинг «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарори ва «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан Сирдарё вилоятида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, вилоятдаги Гулистон, Ширин шаҳарлари ҳамда Боевут, Мирзаобод, Ховос туманларида қасаначилик бўйича амалга оширилаётган ишлар аҳоли ўрганиб чиқилди. Урганишда ҳуқуқат топширигига асосан қасаначилик иш ўринлари ташкил қилиш топширигига қайта қўриб чиқилиб, Гулистон шаҳрида 80 та, Ширин шаҳрида 30 та, Боевут туманида 60 та, Мирзаобод туманида 78 та ва Ховос туманида 50 та қўшимча қасаначилик иш ўринлари ташкил қилиш дастури ишлаб чиқилди. «Ёшлар йили» Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида вилоятда фаолият юритаётган 29 та қўшма корхонада ёшлар учун 977 иш ўрни яратилди.

Вилоят ҳокимлиги томонидан 2008 йил 1 апрелда «Вилоятдаги мавжуд 303 та умумтаълим мактабларининг 14687 нафар 9-синф битирувчиларини 39 та касб-ҳунар коллежлари ва 3 та академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олинишни таъминлаш тўғрисида»ги комплекс чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилиб, ижроси назоратга олинган. Бу борада вилоят халқ таълими ҳамда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамкорлигида доимий ишловчи мувофиқлаштирувчи штаб тuzилган.

2008 йилда 6 та янги касб-ҳунар коллежи ва 1 та академик лицей қуриш белгиланган бўлиб, ҳозирда қуриш ишлари олиб боришмоқда.

Вилоят адлия бошқармаси, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазა қилиш бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда 2008 йил январь ойида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ўқув маскан-

## Мамлакатимизда мулкчиликнинг турли шакллари ривож топиб бораётган бир пайтда гаров билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ҳам ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамият касб этаётир.

2008 йил 1 майдга қабул қилинган янги таҳрирдаги «Гаров тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида турли кўринишдаги шартномалар, яъни, заём, банк кредити, ижара, олди-сотида, юларни ташиниш бўйича белгиланган мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлашда гаров шартномасини тузиш мумкин эканлиги кўрсатилган.

Гаров шартномаси ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланади. Қўшма мулкни гаровга қўйиш эса, ипотека ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, кўчмас мулк, уй-жойлар, квартира, дала-ҳовли, боғ-ҳовли, гараж ва бошқа бино, иншоот ёки иморатни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар мулк рўйхатда бўлган жой бўйича нотариал тартибда тасдиқланади. Бу тартиб «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддаси ҳамда Адлия вазирлиги хайвонини 1997 йил 28 апрелдаги қарори билан тасдиқланган.

«Суд ва бошқа идоралар қарорларининг ижросини таъминлаш ҳақида»ги Қонуннинг 52-моддасига кўра, фуқароларнинг қўндалик турму-



мажбуриятлар ижросини таъминлаш усули

Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида назорат идоралари томонидан ўтказилган текширув натижаларига кўра, маъмурий жавобгарликка тортишда 211 та қонун бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди. Вилоят адлия бошқармаси томонидан ушбу ҳолатлар ўрганилиб чиқилганда маъмурий жавобгарликка тортишда ДСДда 10 та, ДСЭНМда 36 та, ветеринария идораларида 65 та, «Дастехназорат» инспекциясида 26 та, ИИБ ЭХБда 31 та, статистика идораларида 7 та, ер ресурслари идораларида 2 та, стандартлаштириш ва метрология бошқармасида 4 та, монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасида 4 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Ушбу текшириш натижаларига кўра, тегишли назорат идораларига тақдирномалар киритилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилди.

Масалан, Денов тумани ДСЭНМ томонидан ошхона ошпази З.Қодировга нисбатан МЖТКнинг 53-моддасига асосан 18630 сўм микдорда маъмурий жараима қўлланилган. З.Қодировга нисбатан маъмурий жараима қўлланилишида у ошпаз бўлиб ишлаётган ошхонада тегишли жиҳозлар йўқлиги, ходимларнинг тиббий кўрикдан ўтмаганлиги асос қилиб олинган. Лекин маъмурий жараима қўллаш учун расмий ҳужжатлар, ошпазнинг ошхонани жиҳозлашдаги жавобгарлигини исботловчи ҳужжатлар мавжуд эмас. Меҳнат кодексининг 214-моддасига кўра, иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик иш давомиде вақти-вақти билан ходимларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиш шарт. Аммо юқоридаги ҳолатда ошпаз З.Қодиров ёлланма ишчи бўлганлиги сабабли унга нисбатан маъмурий жараима асосида равишда қўлланилганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдирномалар билан тақдирнома тўлиқ таъминот маъмурий жараима қўллашда 122-сонли қарор қабул қилинган. Маъмурий жараима қўллашда фирманинг ходимлари тиббий кўрик-

нинг эгаси ёки ижарага олувчиси бўлсагина йўл қўйилади. Ипотека шартномаси бўйича, факат бино ёки иншоот гаровга берилган бўлса, ер участкаси ёхуд унинг ижара ҳуқуқи гаров предмети ҳисобланади. Бундай шартнома ҳақиқий бўлмаган битим, деб қаралади.

Амалдаги «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасида фермер ҳўжалиги кредит олиш учун мол-мулк, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш мумкинлиги қайд этилган. Бу ўринда шунга айтиш кераки, гаровга қўйилаётган мулк баҳоси мажбуриятини тўлиқ таъминлаш зарур бўлади. Шу сабабли, гаровга қўйилган ҳар бир мулкнинг қиймати аниқланган бўлиши лозим. Гаровнинг етарлилик даражаси эса, банк томонидан аниқланади. Шунинг учун шартнома тuzилишда қадар банк муассасаси қарз олувчининг қарзини тўлаш лаъқатини мустақил равишда қўриб чиқиши ва мулкнинг баҳоси шу кундаги ба-

ҳоларга мос келишига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Гулнора ТИЛЛАЕВА, Тошкент шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

## Адлия аралашгач...

# ТЕКШИРУВ НАТИЖАЛАРИ

чора кўрилишини тақозо этади

юзасидан вилоят ДСЭНМга киритилган тақдирномага кўра, Бойсун тумани ДСЭНМ бош врачини Х.Рўзиевга «хайфсан» жазоси берилди ва «Жамол ота» хусусий фирмаси иш юритувчиси О.Атоевга нисбатан қўлланилган маъмурий қарор бекор қилиниб, 24840 сўм жараима унга қайтариб берилди.

Тадбиркорлик субъектларидан ҳисоботлар қабул қилишда белгиланган тартибни бузиш ҳоллари оз бўлса-да, учраб турибди. Масалан, Қўн-қўн тумани ДСИ «Қокайди» фермер ҳўжалигидан иккинчи чорак якунлари бўйича ҳисобот қабул қилишда 2007 йил 1 июль ҳолатидаги дебитор ва кредитор қарздорликлар тўғрисида маълумотнома олган. Шунингдек, тумандаги

«Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш бўйича Протокол»га мувофиқ одам савдосига қарши курашиш унга аъзо давлатларнинг халқаро мажбуриятига кирди. Мазкур халқаро ҳужжатлар шуни билан аҳамиятлик, улар қатор хорижий давлатларда одам савдосига қарши сифатида миллий қонунларда белгиланишига ҳуқуқий норматив ҳужжат бўлиб хизмат қилди. Протокол одам савдосини жиноят сифатида белгилашга қолмай, ушбу жиноятдан жабр қўрганларни халқаро даражада ва миллий қонунлар билан ҳимоя қилишнинг зарурлиги таъкидланади.

Ўзбекистон 2003 йил 30 августда БМТнинг «Трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция»га ҳамда 2001 йил 28 июнда «Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш бўйича Протокол»га қўшилди ва бугунги кунга келиб юртимизда ушбу халқаро ҳужжатлардан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажариш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, жорий йил апрелида «Одам савдоси қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Жорий йил 8 июлдаги Президентимизнинг 911-сонли Қарори билан 2008-2010 йилларга мўължалланган одам савдосига қарши курашиш бўйича Миллий режа тасдиқланди. Унда «Одам савдоси қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши муносибати билан Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақидаги Қонун лойиҳасини тайёрлаш белгиланган. Бундан қўзланган асосий мақсад, юқорида айтиб ўтилган халқаро ҳужжатлардан келиб чиқувчи мажбуриятларни самарали амалга оширишдир.

«Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш бўйича Протокол»нинг 3-моддасида ҳуқуқий норматив ҳужжат бўлиб хизмат қилди. Протокол одам савдосини жиноят сифатида белгилашга қолмай, ушбу жиноятдан жабр қўрганларни халқаро даражада ва миллий қонунлар билан ҳимоя қилишнинг зарурлиги таъкидланади.

Протоколнинг ушбу моддасидан шу нарса аниқлашдаки, юқоридаги каби мажбурият ёки алдан шакллари ишлатилган ҳолда жабрланувчи ўз ихтиёри билан розилик берган бўлса, жиноят деб, эътироф этилмайди.

Ойбек ЭДИКОВ, Адлия вазирлиги масъул ходими

## Темур Боймуратов

«Темур Боймуратов», «Тоштемур Юнусов» фермер ҳўжалиқлари ва «Асп Нур» МЧЖдан 2-чорак якунлари бўйича қабул қилинган ҳисоботлар билан бирга асосида равишда дебитор ва кредитор қарздорликлар тўғрисида маълумотлар олинган.

Ушбу қонунбузилишлар юзасидан вилоят Давлат солиқ бошқармасига киритилган тақдирномага кўра, туман ДСИнинг ҳисоботлари қабул қилиш ва таҳлил этиш шўъбаси бош инспектори У.Эсановага нисбатан «Жарима» жазоси тайинланди.

Коржов ЧОРИЕВ, Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси ходими, Собир ЭДИКОВ, «Инсон ва қонуни» муҳбири

Бу чорлов одатда, пиёдаларни эҳтиёт қилиш, йўл ҳаракатида уларга алоҳида эътибор бериш мазносида ҳайдовчиларга қарата ишлатилади. Аммо, айрим ҳайдовчилар бу иборани ўз фойдаларига буришади — пиёдалар эҳтиёт бўлинг, дейишади, истеҳзо билан. Ростдан ҳам шундайми? Масалан, мен ҳам рухсат йўқ жойдан ўтаётган пиёдаларни кўп кузатганман. Уч метрлик учи найзасимон панжаралар уларга чўт эмас — ишонмасангиз, «Чилонзор буюм бозори» марказий дарвозаси рўпарасида бироз туриб кузатинг — тайёргина ер ости йўли қолиб, баланд панжарага тармашайтган аёлларни ҳам кўришингиз мумкин.

### ҚОИДАБУЗАР ПИЁДА ИЗИДАН...

Тошкент йўл патрул хизмати бригадаси биринчи дивизион 4-мобиль гуруҳи катта сержанти Абдуғаффор Орипов Шахрисабз-Пушкин кўчалари кесишмасидаги чорражада хизмат постида турибди. Нафақат транспорт оқимини, балки пиёдалар ҳаракатини ҳам тартибга солиш унинг вазифасига қиради.

Мана, йўл патруль хизмати ходими хуштагини чалиб, пиёдалар ўтиш жойидан атиги 50 метрча наридан йўлни кесиб ўтаётган йигитга қараб юрди.

— Сиз қойдани буздингиз, - деди катта сержант ўзини таништиргандан кейин. — Ҳужжатингизни беринг, жарима солишга мажбурман.

Йигитча анча хижолат бўлиб, чўнтагиндан паспортини олиб узатди, 2086

сўмга ёзилган қивангачани олиб, ушбу суммани тўлади. Бундан кейин фақат пиёдалар учун белгиланган махсус ўтиш жойидан юриши, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш энг аввало, унинг соғлиғи, ҳаёти учун зарурлиги ҳақидаги тушунтиришдан ҳам баҳраманд бўлиб, йўлда давом этди.

— Бугун эрталабдан уч пиёдага жарима кўлладим, - деди Абдуғаффор Орипов. — Аслида ўн нафар пиёда қойда бузди. Уларнинг ҳаммаси ҳам



### Мулоҳаза

## ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ... ПИЁДА!

боғия йигитга ўхшаб пушаймон бўлиб, жаримани силлиқина тўлаб кетмайди. Айримлари нотўғри кесиб ўтаётган йўлда давом этиб, қочиб кетишади, айримлари жарима тўлашдан бўйин товлайди, кимнингдир ҳужжати бўлмайди.

Унинг гапларидан тушундимки, йўл патруль хизмати ходимларининг пиёдалар билан ишлаши ҳайдовчилар билан ишлашидан кўра қийинроқ.

Шахрисабз — Пушкин чорраҳасида ИПХ ходими ишини икки-уч соатлар чамаси кузатган, шундай хулосага келдим: Агар у қойдабузар пиёдаларнинг

кунлиги ўтказилди. Бу бежиз эмас — ўтган йил пойтахтда қайд этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг 70 фоизи пиёдалар иштирокида содир қилинган. — Пойтахтимиз йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун барча шароитлар яратилган, - дейди Тошкент шаҳар йўл ҳаракати хавф-

йўллари бор.

Ҳайдовчилар учун алоҳида, пиёдалар учун алоҳида светофорлар қўйилган. Шунга қарамадан, пиёдаларнинг йўл-транспорт ҳодисаси туфайли жароҳат олиш, ҳалок бўлиш ҳоллари, афсуски, камаймапти. Битта таҳлилимизга эътибор қаратишни истардим: пиёдаларнинг йўл- транс-

порт ҳодисасидан жабрланиш ҳоллари асосан пиёдалар ўтиши мумкин бўлмаган жойларда содир бўлади.


Пиёда йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиши учун, аввало, уни билиши керак. Мактабларда 17 соатлик йўл ҳаракати қоидалари машғулоти жорий этилган. Афсуски, бу машғулотлар даврий ҳаётда ҳам кўнгилдагидек эмас.

Кузатишларимиздан маълум бўлдики, қойдабузар пиёдаларнинг аксарияти катта ёшдагилар. Демак, қойдани билишнинг ўзи қифоя эмас, унга риоя қилиш ҳам керак. Бунинг учун кишининг ҳуқуқий маданияти ривож топган бўлиши лозим.

Кичкинагина тадқиқот ўтказиб кўрдим. «Олой бозори» марказий дарвозаси тўғрисидаги ер ости йўлидан шошилмай, хотиржам юриб бир дақиқада сержантов йўлнинг нариги бети-га ўтиб олдим. Худди шу йўналишни пиёдалар юриши

### ЖАРИМАНИ ОШИРИШ — ЯГОНА ЙЎЛ...МИ?!

Йўл ҳаракати қоидаларини бузайтган йўловчилар, кўпинча, шошилиб турган



эдим, деб баҳона қилишади. Қайдаки, тадқиқот ўтказиб кўрдим. «Олой бозори» марказий дарвозаси тўғрисидаги ер ости йўлидан шошилмай, хотиржам юриб бир дақиқада сержантов йўлнинг нариги бети-га ўтиб олдим. Худди шу йўналишни пиёдалар юриши

тақиқланган ер устидан ҳам ўтиб кўроқчи бўлдим. Хавотир, машиналар тормоси, ҳайдовчиларнинг аччиққина гаплари остида икки дақиқа вақтим кетди.

Хулоса оддийгина: ўзимизда ҳуқуқий маданиятни тарбиялашимиз керак. Қонун-қоидаларга ўзи тушунган ҳолда иттиҳаман фуқарога ҳуқуқий маданият жазо ва чоралар кўриш орқали синдирилади. Шулардан бири — жарима. Аммо, унинг миқдори қойдабузарнинг чўнтагини анча енгиллаштириш ва уни ўйлан-тиришдан даражада бўлиши керак, шекилли.

Яқинда бир танишим жиғибирон бўлди.

— «Дамас»им тўла йўловчи билан кетаётган эдим. Пиёдалар ўтиши мумкин бўлмаган жойда осмондан тушгандек икки қиз пайдо бўлиб қолди. Ўттиз йиллик ҳайдовчилик тажрибам қўл келибгина уларни уриб кетишинг олди олинди. Улар ҳеч нарса бўлмагандай сўх-батларини давом эттириб кетавердилар. Мен анчага-ча ўзимга келолмай йўл четига чиқиб турдим. Пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун жаримани суриштириб кўрсан, арзимagan пул экан, уни ошириш керак...

Ўша танишимнинг гапидан жон борга ўшайди...

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА

## «ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ»

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг навбатдаги 3-сонини муштарийлар эътиборига ҳавола қилинди. Ўзбек, инглиз, рус тилида чоп этилаётган мазкур журналининг ушбу сонида мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган бир қатор мақолалар эълон қилинган.



Унинг ўзбек тилидаги вариантдан Олий Мажлис Қонуनчилик палатаси депутати Иzzатулло Толибовнинг «Ўзбекистонда жамоат фондлари фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари», Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашидхон Қодировнинг «Фуқаролар ҳуқуқи ва эркинликларни ҳимоясида», Олий Мажлис Сенати раиси ўринбосари Фарруҳа Муҳитдинованин «Конституция ва судьялар мустақиллиги кафолатлари» номли мақолалари ва бошқа қизиқарли материаллар ўрин олган. Журналнинг инглиз тилидаги вариантда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашидхон Қодировнинг «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш — қонунчилик ислохотларининг асосий мақсади», БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Кьюко Постилнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тараққиётининг тарихий пойдеворидир», Ўзбекистоннинг Корея Республикасидаги Факултада ва мухтор элчиси Виталий Феннинг «Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида тараққиётга эришмоқда»

сарлавҳали мақолалари билан танишасиз. Фулом Мирзонинг «Инсон ҳуқуқлари буйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов билан «Фуқаролик жамиятини қуриш йўлидаги муҳим қадам» номли суҳбати, юридик фанлари доктори Сурайё Одилхўжаева ва Адлия вазирлиги консультанти Абдурахмон Бахтиевларнинг «Фуқаролик жамияти барпо этилишининг асосий омиллари», Кьюко Постилнинг «Ўзбекистон муҳим воқеага ўз муносабатини намойиш этган илк давлат» сарлавҳали мақолалари ва бошқа қизиқарли чиқишлар журналнинг рус тилидаги вариантдан ўрин олган.

Дилфуза ЭРГАШЕВА, «Инсон ва қонун» мухбири

## ЖАРИМА ЖАЗОСИНИ ТАЙИНЛАШ

ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Жарима Жиноят кодексининг жазо тизимида биринчи ўринни эгаллайди. Бу унинг энг энгил жазо чораси эканлигини аниқлатади. Жарима амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ асосий жазо чораси сифатида қуйидаги ҳолларда тайинланади: у Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисми моддалари санкциясида кўзда тутилган бўлса, содир этилган қилмиш учун кўзда тутилган жазодан ҳам энгилроқ жазо тайинлаш лозим бўлса, жазонинг ўталмаган қисмини алмаштириш тартибда.

Жиноят кодексининг Махсус қисми моддаларида жарима асосан иқтисодий асосларига қарши жиноятлар ва экология соҳасидаги жиноятлар учун кенг қўлланилиши кўзда тутилган, ҳаётга ва соғлиққа қарши жиноятлар, тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар ҳамда ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларнинг аксарияти учун эса жарима жазоси назарда тутилмаган.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг жарима жазоси кўзда тутилган санкциялари таҳлил қилинса, уларнинг асосан жиддий ижтимоий хавф туғдирмайдиган қилмишлар учун қўлланилаётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Қонун чиқарувчи муайян тоифа жиноятларни содир этганлик учун жазо чораси сифатида жарима қўллаш назарда тутар экан, мазкур ҳолда айбдорга иқтисодий таъсир этиш орқали жазодан кўзланган мақсадга эришиш мумкин, деб ҳисоблайди. Бирок, турли жиноятларда хилма-хил

## ЖАРИМА ЖАЗОСИНИ ТАЙИНЛАШ

ва унинг ўзига хос хусусиятлари

ҳолатлар учраши мумкинлигини инобатга олган ҳолда жиноят қонунчилигида муқобил жазо чораси сифатида бошқа турдаги жазолар ҳам назарда тутилди. Хусусан, Жиноят кодексига жарима жазосига муқобил жазо сифатида асосан ахлоқ тузатиш ишлари кўзда тутилганлигини қайд этиш лозим.

Жарима жазоси кўзда тутилган жиноятларнинг 52 фоизини мулкий жиноятлар (моддий фойда кўриш мақсадида содир этилган жиноятлар) ташкил этади.

Ушбу жиноятларда уларнинг содир этилишига туртки бўлган жиноий мотив ва бунинг учун тайинланиши кўзда тутилган жарима жазоси ўртасида алоқадорлики кузатишимиз мумкин. Яъни, алоҳида шахс, ташкилот ёки давлатга тааллуқли бўлган мулкий қимматликларга нисбатан эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш ва ғаразли мақсадларда содир этилган қилмиш айбдорга нисбатан иқтисодий чоралар қўллаш билан яқунланади.

Жарима етказилган зарарни қоплаш шакли ҳисобланмайди ва шу боис авваламбор, етказилган зарарнинг ҳажмига қараб эмас, балки содир этилган жиноятнинг оғирлик даражаси асосида тайинланади.

Шунингдек, жарима жазосини тайинлаш айбдорда содир этилган ҳужжат, ҳақорат, енгил тан жароҳати етказиш каби жиноятлар учун жавобгарликдан қутулиб

## Солиқ соҳасида

Одатда қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш конституциявий бурч эканлигини «унутган» юрtdошларимиз кўз уришади. Бу тоифа кишилар ноқонуний йўл билан мўмай даромад орттириш пайида бўладилар.

## ТАЯНЧ

2008 йил 1 август ҳолатига вилоят буйича хуфёна иқтисодиёт, пул маблағлари банкдан ташқари айланганининг олдини олиш ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишга барҳам бериш мақсадида 286 та қисқа муддатли текширишлар ўтказилди. Унда 210 та назорат касса машинаси ва қивангачи билан ишлаш тартибини бузиш, 235 та пул тушушларини банк муассасасига топширмаслик ҳолати буйича 50 миллион 909 минг сўм пул маблағи тушмаганлиги аниқланди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 январдаги «Спирт ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини қучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори буйича акциз марказис спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний равишда вилоят ҳудудига олиб келиниши борасида 44 та ҳолат аниқланиб, 4686,7 литр, 1946,3 минг сўмлик спирт ва спиртли ичимликлар ҳамда 439,8 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари олиб қўйилиб, 195 та яширин цех фаолияти фoш этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан вилоят ҳудудига импорт товарларини ноқонуний олиб ўтилиши ва ички бозорларда сотилишининг олдини олиш мақсадида ўтказилган текширишларда 301 та ҳолат аниқланиб, улардан 241 294,1 минг сўмлик озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Ушбу ҳолатлар буйича 90 миллион 335,8 минг сўм молиявий ва 13 миллион 586 минг сўм маъмурий жарима қўлланиб 10 та ҳолат буйича жиноий иш кўзга-тилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, солиқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад, «Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқ ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар», деган конституциявий бурчини онгли интизомга айлантиришдан иборат. Зеро, солиқ — иқтисодий таъяничи. Солиқ тўлашдан бўйин товлаган шахс қонун олдида жавоб бериши шубҳасиз.

Жаҳонгир АМОНОВ, Жиззах вилояти ДСБ бош инспектори

Собиқ С.Қаландаров номли ширкат ҳўжалигига қарашли ҳаммом биноси атрофидаги 10 сотих каровсиз ердан ҳўжалик раҳбарларнинг рухсати билан 2000 йилдан буён томорқа сифатида фойдаланиб келардим. 2 йил муқаддам Турсуной Абдуллаева ҳузуримга келиб, ҳаммом ва унинг атрофидаги ерларни биржа савдоси орқали сотиб олганлигини айтди. Масалани аниқлик киритиш ниятида мазкур ер-мулкнинг ўша кезлардаги соҳибни, яъни суд қарорига асосан тугатилаётган «Агромашхизмат» МЧЖ раҳбари Шавкат Обидовга мурожаат қилдим.

У киши ҳаммом ва унинг атрофидаги майдонлар, шу жумладан, оиламиз фойдаланиб келаятган томорқа ер ҳам 2006 йил 14 июлда ўша аёлга сотилгани, бироқ харидор шартнома орқали келишилган пулни белги-ланган муддат ўтиб кет-са-да, ҳамом тўлаи олмаётганлигини, 6,5 миллион сўмнинг атиги 30,6 фоизи ёки 2 миллион сўмигина қопланганини, тўлов муддати кечиккани сабабли 1,4 миллион сўмлик пена ҳам ҳосил бўлганлигини тушунтириб, агар истасам, уни менга соти-ши мумкинлигини айтди. Ўғилларим билан маслаҳатлашиб, айтил-

ган 6 миллион 550 минг сўм пулни 2006 йилнинг 17 ноябрь куни банкка топширдик. Бошқарувчи эса келишилган пулни шартно-мада кўрсатилган муд-датда тўламагани учун Абдуллаевани расман огоҳлантириб, тўлов учун қўшимча 3 кунлик янги муддат белгилади. Бу муддат ўша йилнинг 25 ноябрь куни тугади. 27 ноябрь куни эса бино менинг номимга расмийлаштирилиб, шартнома имзоланди. Тугатиш бошқарувчиси шундан сўнг «Агромашхизмат» жамияти ва Т.Абдуллаева ўртасида тузилган битимни бекор қилиш юзасидан судга мурожаат қилди. Мен

## Хат ортида инсон бор

мига қайд қилинганли-ғини тасдиқловчи ҳуж-жат тузилди. 2007 йил-нинг январь ойида фу-

қаролик ишлари бўйича туман суди Т.Абдуллае-ва билан тузилган шарт-номани бекор қилиш

## «Ё ПУЛИМНИ ҚАЙТАРИНГ, Ё МУЛКИМНИ...»

эса кексалигим боис ўртадаги шартнома суд йўли билан бекор қилинмай туриб, янги битим тузиш қонунга зид эканлигини билма-дим. Орадаги 3 кун ичи-да Т.Абдуллаева шарт-номада кўрсатилган пулни банкка топшириб, қарзини узди. Шу кун-нинг эртасига туман ер тузиш ва кадастр идо-расида бино унинг но-

тўғрисидаги даъво ари-зани қаноатлантирди. Бу қарор апелляция суди-да бекор қилинди. Кей-инги босқич судида эса, «Жавобгар — «Аг-ромашхизмат» МЧЖдан

гарчи кредиторлар би-лан ҳисоб-китоб ишла-ри тўла яқунланмаган бўлсада, тугаб кетди. Кейин билсам, «Фойбу саҳоват сервис» деб номланган ташкилот ту-гатилган жамиятнинг мулк-ий меросхўри бўлибди. Суд ижрочили-ри тўлов мажбуриятини шу меросхўр ташкилот зиммасига юклаймиз, деб айтишди. Уларнинг айтишича, «Фойбу саҳо-ват сервис»нинг 1,2 гек-тарлик эгасиз боғ май-донидан бўлак ҳеч ва-қоси йўқ экан. Ўша бо-ғни ё сиз пулингизга ҳисоблаб оласиз ёки ки-мошди савдосига қўйиб,

Бобо ОТАЖОНОВ, Урганч тумани Фойбу қишлоғи

Таҳририятдан: Фуқаро Б.Отажон-новнинг шикоятга газетамизнинг Хо-разм вилоятидаги мухбирлик пункти томонидан ўрганилди ва унда кўрса-тилган далиллар асосан ўз тасдиғини топди. Мазкур мавзуда муносабат билдиришни эса мутасадди идора-ларга ҳавола қиламиз.

● **Ўзбекистон Миллий университети — 90 ёшда**

# ИЛМ ВА МАЪРИФАТ МАСКАНИНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛИ

(Давоми.  
Боши биринчи бетда.)

Мазкур нуфузли олий ўқув юр-тида 21 нафар академик, 225 фан доктори ва профессор, 600 фан номзода ҳамда доцент, 211 катта ўқитувчи, 219 нафар ўқитувчи ва ассистент 12 мингга яқин талабага илм-фан сирларидан сабоқ беришяпти.

Мустақиллик йилларида 23 нафар талаба Ўзбекистон Республикаси Президентини Давлат стипендиясига сазовор бўлган бўлса, 24 талаба Мирзо Улуғбек номидаги ва 27 талаба Алишер Навоий номидаги стипендиялар соҳиби бўлган. Университетда "ЎЗМУ стипендияси" ҳамда шу ўқув даргоҳида ёрқин из қолдирган атоқли олимлар — Тошмухаммад Саримсоқов, Обид Содиков, Саъди Сирожиёнов, Соҳиб Азимов, Убай Орипов, Ҳабиб Абдуллаев, Фулом Каримов, Иброҳим Мўминов номидаги стипендиялар ташкил этилган.

Университет тарихига назар солсангиз, ўтган йиллар мобайнида бу қутлуғ даргоҳда тахсил олган атоқли олимлардан 106 нафари академик даражасига эришган. Олимпиадалардан 113 нафари фан доктори ва профессор илмий ўнвонларига сазовор бўлишган.

### **ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ**

Университетнинг Аxbорот ресурслари марказида Интернет тизимига уланган компьютерлар хизмати ташкил этилган. Кутубхона фонди 3 миллиондан ортиқ адабиётга эга. Мустақиллик йилларида чоп этилган ўқув адабиётларининг электрон нусхалари тайёрланган, университетда жорий қилинган локал тармоқ тизимига узатилди. Хар бир факультетда ўқув хоналари, кутубхоналар замон



талабларига мос равишда жиҳозланган.

Сўнги беш йил давомида университет олимлари томонидан 60 га яқин дарслик, 350 дан ортиқ ўқув қўлланмалари, 200 га яқин ўқув-услубий қўлланма нашр этилди. Шунингдек, мамлакатимиздаги мутахассислари билан ҳамкорликда таълим тизимининг барча босқичлари учун қўллаб-қўлланма ва ўқув қўлланмалари чоп этилган.

Университет профессор-ўқитувчилари илмий изланишлар борасида Москва, Санкт-Петербург давлат университетлари, Россия давлат гидрометеорология институти, Океанология институти, Омск давлат университети, Рязан шаҳридаги Ост-Лазер маркази ва бошқа нуфузли илмий муассасалар билан ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. Бундан ташқари, Франция, Бельгия, Чехия, Хитой, Германия давлатларидаги қатор илмий муассасалар билан ҳамкорликда икратли ишлар қилинаётир.

### **УНИВЕРСИТЕТ КЎЗГУСИ**

1918 йилдан бунён "Ўзбекистон Миллий университети" (қатор йиллар турли номларда) газетаси, 1997 йилдан бунён "ЎЗМУ хабарлари" илмий журнали, 2008 йилдан "Журналистика масалалари" илмий альманахи чоп этилмоқда. Шунингдек, Интернет тизимида веб-сайт, китоб нашриёти, босма хона ишлаб турибди.

Айни пайтда ЎЗМУнинг 90 йиллик юбилейига муносиб ҳозирлик қилинмоқда. "Мамлакатимиз олий таълим тизими ва илм-фани ривожига Ўзбекистон Миллий университети роли" мавзуда ўтказилган халқаро илмий конференция иштирокчиларининг илмий маърузалари ўзбек, рус ва инглиз тилларида алоҳида тўплам ҳолида чоп этилди. Ётуқ нашриёт-матбаа ижодий уйлари томонидан "Муътабар зиё маскани (1918-2008)", "Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий мактаблари", "Университет — менинг ҳаётимда" деб номланган китоблар нашр қилинди.

ЎЗМУ тарих музейида сақланаётган осори-атиқаларининг тасвирла-

ри акс эттирилган махсус отқитқалар, турли буклетлар ҳам юбилейга муносиб совға бўлди.

Жорий йилнинг 8 сентябидан бошлаб "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси стадионидан, шунингдек, ЎЗМУ спорт заллари, оқиб спорт майдонлари ва "Сув спорти саройи"да белгиланган мўддатларда мамлакатимиз олий ўқув юртилари талабалари анжуманлари, спорт мусобақалари, турли тадбирлар режа асосида ўтказилмоқда. У 20 сентябргача давом этади.

### **ХУҚУҚШУНОСЛИККА ЭЪТИБОР**

1918 йилда Туркистон Халқ университетида Иқтисодий-иқтисод факультети ҳам иш бошлади. Бу факультет тарихидаги хуқуқ бўлими Ўзбекистонда олий юридик маълумот олиш учун илк қадам бўлган эди.

Ҳозирги кунда университетнинг хуқуқшунослик факультети бакалаврият таълим йўналишида — юриспруденция, магистратура йўналишида давлат хуқуқи ва бошқарув, маъмурий хуқуқ, молиявий хуқуқ, фуқаролик хуқуқи, оила хуқуқи, фуқаролик процесси, касб-хўнар фанларини ўқитиш методикаси (юриспруденция) мутахассисликлари, аспирантурада давлат ва хуқуқ назарияси, сиёсий ва хуқуқий таълимотлар тарихи ва фуқаролик хуқуқи, оила хуқуқи, халқаро сиёсий хуқуқ, шунингдек, докторантурада фуқаролик хуқуқи, оила хуқуқи, фуқаролик процесси, халқаро хусусий хуқуқ йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади.

Тўлқин ЭШБЕК,  
ЎЗМУ Аxbорот хизмати  
раҳбари, филология фанлари  
номзоди

Бахтиёр АҚРАМОВ олган суратлар

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли халқимизнинг хуқуқий маданияти ва саводхонлиги тобора юксалиб бормоқда. Зотан, эндиликда ҳар бир шахс хуқуқий оқибат туғдирган ёхуд қонуний ечимини қутаётган низоли масала юзасидан судга мурожаат қилиши ва шу йўл билан хуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин.

Шахрисабзлик Бувиш момо Эшманова ҳам ҳақиқатни қарор топтириш, адолатни юзага чиқариш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Шахрисабз туманлараро судга мурожаат қилади. Бироқ бу осон эмасди... Нега дейсизми? Келинг, масалага аниқлик киритиш учун воқеалар тафсилотини бир бошдан баён қилайлик.

Бувиш момо Эшманова 1952 йилдан бунён Қўнчиқар қишлоғида истиқомат қилади, 16 сотих томорқага эга хонадонда 3 нафар фарзандини тарбиялаб, вояга етказган.

Фарзандлари вояга етиб, оила қурганидан сўнг Бувиш момо ҳовлини икки қисмга тақсимлаб, икки оила учун баҳоли қудрат уй қурдиради. Бу хонадонлардан бирига 38, иккинчисига 40 рақами берилди. Шу аснода эл қатори рўзгор тебратаетган оила бошқа 2005 йилда оғир мусибат тушди.

Бувиш момонинг тўнгич фарзанди оғир хасталик туфайли ҳаётдан бевақт қўз юмади. Айрилиқ — оғир дард, айниқса, фарзанд доғини ҳеч кимга қўрсатмасин экан.

Анчайин кексайиб қолган момонинг мусибатдан қадди бўкилади. Қарийб икки йилни доғи ҳасратда, қўз ёши тўкиб ўтказди. 2006 йилнинг декабрида Нурилла Чориев исмли шахс Бувиш момонига келади ва бу уйни Ойбек Рамазоновдан сотиб олганини билдиради.

Ҳеч вақони тушулмаган онахон буни кексайибка йўзди. «Бола, бафуржа тушунтирмасанг, гапингни англол-мадмид-а», дегини оғир тин олиб. Ҳайтовор, момо фарзандлари кўмағида Н.Чориев «шунчаки юмуш» билан эмас, қонийн йўл билан уйини сотиб олганидан хабар толади. Барибир у чексиз таъажубда эди: 54 йилдан бунён истиқомат қилиб келаетган шахсий уйини нега энди қўшниси Ойбек Рамазонов Нурилла Чориевга сотиб юборади? Нима учун мулк эгаси — Бувиш момо Эшманова бундан мутлақо беҳабар?!

Ҳеч қутилмаганда юзага келган бу низо онахонни қаттиқ ташвишга солади. Қон босими ошиб, тоби қонганига қарамай, атрофдаги ерда-мида фуқаролик ишлари бўйича Шахрисабз туманлараро судга даъво аризаси билан мурожаат қилади.

Судда аниқланишича, 2004 йилда Ҳайит Эшманов (момонинг марҳум тўнгич ўғли) 40-уйини ўзининг номига расмийлаштириб беришни сўраб, туман ҳокими ариза беради. Туман ҳокими томонидан 40-уйни Эшманов номига расмийлаштириш тўғрисида Х-2/1-сонли қарор чиқарилади. Аммо негандир Ҳайит ака бу тўғрида на онасига, на укаларига лом-ним демаяди. Уша кезларда у оғир бедаво дардга чалинганди. 2004 йилнинг 27 декабрида Ҳайит аканинг дарди анчайин оғирлашадиган тўнганда врач назорати остида даволанаётганлиги қарамай, 2005 йил 6 январь кuni 40-уйни Ойбек Рамазоновга, 460 минг сўмга (!) сотиб юборади. Аммо номуълум сабабга кўра буни ҳаммадан яна сир тутади.

Томонлар ўртасида олди-соти шартномаси Шахрисабз шарафиди давлат нотариал идораси нотариуси Д.Меликова томонидан расмий рўйхатга олинган.

Фуқаролик ишлари бўйича Шахрисабз туманлараро

Бошқаларни билмадигу аммо бизга қолса, гувоҳинг бу қўрсатмаси атрофдагиларни алдашдан бошқа нарсаси эмас.

Яна бир ҳолат, Ҳ.Эшманов касалхонада даволанаётган даврда фуқаролик паспорти ёнида эмасди. Буни қараганки, уй олди-сотди ҳужжатларида Ҳ.Эшмановнинг паспорт рақами «**1-ФД 0004235**» деб қўрсатилган. Бу тўғрида турли мушоҳадаларга берилмайдик-да, Шахрисабз тумани ИИБ Паспорт бўлими бошлиғи Х.Боймиров эми осси билан берилган маълумотномага эътибор қаратайлик: «...**Фуқаро Эшманов Ҳайит Тошевчи Шахрисабз тумани**

### **● Таажжуб**

суд ишчи хар томонлама қўриб чиқиб, Бувиш Эшманованинг Шахрисабз тумани ҳокимлигига нисбатан Х-2/1-сонли буйруқни бекор қилиш, 2005 йил 6 январьда олди-сотди шартномасини ҳақиқий

# УЙ СОТИЛДИ

эгаси эса беҳабар қолди



эмас, деб топил тўғрисидаги даъво аризасини рад этишни лозим топади. Албатта, суд Фуқаролик кодексининг 354-моддаси, 357-моддаси, 382-моддаси ва бошқа хуқуқий-норматив ҳужжатларга асосан шундай қарор чиқаради. Бувиш момо эса мазкур қарордан норози бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича Қашқадар вилояти судига апелляция шикоятини билан мурожаат қилади.

Апелляция инстанциясида фуқаролик ишлари бўйича Шахрисабз туманлараро судининг хал қилув қарори ўзгаришичи қолдирилади. Шундан сўнг О.Рамазонов фуқаролик ишлари бўйича Шахрисабз туманлараро судига Б.Эшмановга нисбатан уй-жайдан мажбурий тартибда қўчириб чиқариш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат қилади ва ушбу даъво тўла қаноатлантирилади. Бувиш момо эса бундан норози, турли идораларга шикоят қилишдан чарчамапти.

Масофа олисинги, йўл азобига қарамай тахририятга ташриф бурюрган онахонга дастлаб далда ва тасалли берди. Иш ҳужжатлари билан танишган, онахон беҳизга қуюнмаётганига ишонч ҳосил қилди. Аввало, фуқаролик ишлари бўйича Шахрисабз туманлараро судининг хал қилув қарориди: «**Гувоҳ Дилмуродов Мамади ўзининг кўргазмасида О.Рамазоновга қариндошлиги, енгил автоматинасида О.Рамазоновнинг ултимосига кўра марҳум Х.Эшмановни нотариал идорасига олиб бориб, марҳумнинг уйдан қақириб машинасига миндирганини...**» деган жумлалар қайд этилган. Бир ўйлаб қўринг-а, юқорида таъкидланганидек, олди-сотди шартномаси 2005 йил 6 январда расмий рўйхатдан ўтказилган. Марҳум Х.Эшманов бу вақтда, аниқроғи, 27 декабрдан 2005 йил 10 январга қадар туман марказий шифохонасида даволанган. Гувоҳ М.Дилмуродов эса 6 январь кuni нотариал идорасига Ҳайит акани уйдан машинасига олиб кетган...

ни ИИБ ПБ томонидан **1-ФД № 0004235** рақамли фуқаролик паспорти олманган... бундай рақамли паспорт мавжуд эмаслиги аниқланди».

Бу маълумотнома билан танишган, яна адоқсиз уй-фиқрлар саволлар гирдобидан қолдиқ. Чўнорчи, «**Нотариус тўғрисида**» Қўнуннинг 18-моддасида нотариуснинг мажбуриятлари қўрсатилган бўлиб, ушбу модданнинг 5-хат-бошида: «**Нотариал ҳаракатлари амалга ошириш вақтида фуқаролар ёки мансабдор шахслар томонидан қонунчилик бузилганлиги аниқланган тақдирда, зарур чора-тадбирлар қўрилиши учун тегишли корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ёки прокурорга бу ҳақда хабар қилиши**» лозимлиги белгиланган.

Шундай бўлса-да, давлат нотариуси Д.Меликова негандир бунга риоя қилмаган.

Қолверса, оғир аҳволдаги беморга у сотиш нега керак бўлди экан? Нима учун унинг оила аъзолари бундан ордан икки йил ўтганидан кейингина хабар топилди? Нега О.Рамазонов қонийн эгалигидаги уй учун тўловларни уй йил мобайнида амалга оширмади? Шифохонда даволанаётган марҳум Х.Эшманов уйи сотиш ниятида эканини О.Рамазонов қардан билди?

Умуман олганда, мазкур низода бахсли ҳолатларга кўп бор дуч келасиз. Бунга аниқлик киритиш, қонун доирасида қарор чиқариш олди суд эътиборига ҳавола.


Зеро, Конституцияимизнинг 112-моддасида таъкидланганидек, «**Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашши йўл қўйилмайди ва бундай аралашши қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.**»

Дилфуза РАХИМБЕКОВА, «Инсон ва қонун» муҳбири

### ● **Мўъжиза**

# 7 БОБОНИ БИЛАН ЭР, ЮРТНИНГ ФАМИНИ ЕР

Айтишларича, пойтахтимиз Тошкент шаҳри **етти** қиру **етти** ўр устида жойлашган экан. Истанбул ва Рим шаҳарлари ҳам **еттита** тепаликка қурилганлиги тарихдан маълум.



Демак, **етти** рақамга қадимдан алоҳида эътибор бериб келинган. **Етти** рақамининг «муқаддас»лигини тасдиқловчи яна қўллаб мисолларни келтириш мумкин. Масалан, Х-ХІ асрларда Бухоронинг 7 та дарвозаси бўлган ва мамлакат **етти** туманга бўлинган.

Тарихдан бизга маълумки, қадимги Рим астрономлари сайёраларни Рим худолари номи билан аташган. Месопотамияда яшаган холдейлар бу қаторга Куйш ва Ойни ҳам қўшиб, сайёралар сонини **еттита**га етказишган ва **етти** рақамини муқаддас, деб эълон қилишган.

Буиқ соҳибқирон бобомиз Амр Темури «**етти** ўлка ҳукмори» деб тан олингани ҳам бежиз эмас, албатта.

**Етти** сайёра ёки «Сабъя сайёр» ибораси Марказий Осиё, умуман, Шарқ халқларида ҳам мавжуд бўлган. Бизнинг мамлакатимизда ҳам қадим замонлардаёқ

пушти шоир ўтган, деб беҳизга айтишмайди. Улуғларимиздан қолган яна бир ажойиб ҳикмат бор. «Бир иш қилишдан аввал **етти** ўлчаб, бир кес». Шу сабабли хар бир қилаётган хайрли ишимизни яхшилаб ўйлаб, амалга оширсак, гапираётган гап, сўзлаётган сўзларимизни ўйлаб, тўғриси тўғриси, ҳасаддан тўйилсақ, ўзгалар дилини беҳуда оғритмаган, амалларимизни тўғри бажарган бўламиз.

**Етти** сўзининг мўъжизавий таърифи яна бир мисол: яқинда бўлиб ўтган мустақиллик байрами тантаналарида хорж давлатларидан келган сайёҳлардан бири «Мамлакатингизнинг қайси вилоятига борманг, улкан иншоотлар қад ростлаган, янги-янги замонавий мактаблар, кўприклар, йўللار, бозорлар, магазинлар, гузарлар қурилганлигининг гувоҳи бўласиз, айниқса, пойтахтингиз Тошкент мисли қурилмаган даражада ўзгариб кетган, бу ерда «**етти**» ухлаб тушингда кўрмаган» мўъжизавий иншоотлар қурилганлигини қўриб ҳавасинг келади, киши», деганини эшитиб мағруландим.

Билишимиз керак бўлган авлод ҳам **еттита**: фарзанд, неварра, чевара, эвара, дувора, овора, бегона.

Шунинг учун ҳам қарияларимиз дуога қўл очиб, беҳизга айтишмаса керак-да, «Илойим, юртимиз тинчлигини **етти** пуштимизнинг руҳлари қўллаб-қувватлаб юрсин, тинчлигимизга қўз теғмасин», деб.

**Акмалхон ИНАНБАБЕВ, Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи**

## ЧАҚМОҚТОШ

### **ХАН ФЭЙ (Милотдан аввалги 288-233 йиллар)**

Қадимий Хитой файласуфи Хан Фэй Хан салтанатининг аслзода хонадонларидан бирида дунёга келди. Хан Фэй ўзига қадар яшаб ўтган кўп қабил йирик донашлар каби легистик («легист» — латинча «қонун» деган маънони англатиш) дунёқараш тарафдори бўлиб, давлатни бошқариш муаммолари билан шуғулланган. Хан Фэйдан унча қўлзма асар қолган, улардан бири «**Ёнги одамнинг нолиши**» деб аталади. Иккинчи китоби «**Беш текниҳур**», учинчиси «**Хан Фэй-цзи**» деб номланади. Файласуф ўз асарларида ҳукмдорларга шундай маслаҳатлар берадики, улар ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Хар бир қонуннинг икки таянчи бўлиб, бири жазо, иккинчиси мукофотдан иборатдир.

\*\*\*  
Ҳукмдор ҳокимиятни ҳеч қачон, ҳеч ким билан бўлишмаслиги лозим. Агар у амалдорларга заррача ҳокимият берса, улар ўша заҳоти бир зарра ҳокимиятни юз зарра ҳокимиятга айлантирадилар.

\*\*\*  
Ҳаддан ортиқ фойда олишга интилиш ташвиш келтиради. Ташвиш эса бетибликка сабаб бўлади. Бетиблик доноликнинг кучини қирқади. Доноликнинг кучи қирқилгач, мейёр ҳисси йўқолади. Мейёр йўқолгач, ҳаракатлар тартибсиз тус олади. Тар-



тибсизлик эса бахтсизлик ва азоб-уқубатларни етаклаб келади. Шу боис: «Инсон учун шахсий манфаат кетидан қувишдан ортиқроқ хавф-хатар йўқ», дейилади.

Саида ЖҰРАЕВА  
тайёрлади

### **ЭЪЛОН!**

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси Қўшрабат тумани давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига;  
Навоий вилояти адлия бошқармаси Қизилтепа тумани давлат нотариал идораси нотариусидаги бўш нотариал лавозимига;  
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш хуқуқини беручи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

- Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
1. Комиссия номига ариза;
  2. Паспорт нусخаси;
  3. Белинган шаклда таъйинланган шахсий варақча;
  4. Мехнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусخаси;
  5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш хуқуқини беручи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
  6. Охиричи шундан берилган мехнат фаолият таърихига таърифнома;
  7. Адлия вазирлиги ёки адлия бошқармасида нотариал ишга бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаетган таъбирлар таърихига таърифнома;
  8. Нотариал фаолият билан шуғулланиш хуқуқини беручи лицензияга эга бўлиб, лекин 3 йил мобайнида нотариус лавозимига иш бошлаган фуқаролар эса Малакка имтиҳонини қайта топширишга ҳақиқатан Малакка комиссиясининг қароридан қўчирма.

Танлов Эъланининг кўчирилган таърихига таърифнома бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида тегишли вилоят адлия бошқармаларига мурожаат этишлари лозим.

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8366) 233-13-59, 233-71-57. Навоий вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8436) 223-01-38, 223-95-90.

## **БАРЧА ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНА РАЎБАРЛАРИ ДИККАТИГА! БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ ЙЎЛИ**

Очиқ акциядорлик тижорат Турон банк барча юридик шахслар учун қуйидаги шартлар асосида депозит сертификатларини тақлим қилади:

| Амал қилиш мuddати | Жами сўмма (сўмда) | Фоиз ставкаси (йиллик) |
|--------------------|--------------------|------------------------|
| 6 ой               | 1 000 000 000 гача | 12 %                   |
| 13 ой              | 7 000 000 000 гача | 13 %                   |
| 36 ой              | 1 000 000 000 гача | 14 %                   |



Маълумот учун телефонлар: 244-25-81, 244-12-74, 700-55-55  
www.turonbank.uz  
Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси 4а уй.

|   |   |   |   |  |  |
|---|---|---|---|--|--|
| <p><b>ИНСОН ва ҚОНУН</b></p> <p>МУАССИСА:<br/><b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ<br/>АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ</b></p> <p>1996 йилнинг январидан<br/>нашр этилади</p> | <p><b>Бош муҳаррир:</b><br/>Кўчқор<br/>НОРҚОБИЛ</p> | <p><b>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</b></p> <p>Аҳмадов Абдуқалим Абдурашидович<br/>Мустафоев Бўристан Мустафоевич<br/>Рисқозова Мавжуда Абдуқалимова<br/>Раҳимов Абдуқалим Шайхон</p> | <p>Навбатчи:<br/><b>Ербек<br/>ИСКАНДАРОВ</b></p> <p>Саҳифаловчи-<br/>дизайнер:<br/><b>Фарход<br/>ХУЖАНЗАРОВ</b></p> | <p><b>Индекс: 646882</b></p> <p>«ИНСОН ВА ҚОНУН» хуқуқий газетаси тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичида, 2 босма табоқ ҳақида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.<br/>Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.<br/>Буюртма G-815. Тиражи — 11153.  t — тижорат мақола. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00</p> | <p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b><br/>100047, Тошкент ш.<br/>Сайилгоҳ кўчаси-5.</p> <p>Тел: 233-84-50,<br/>Факс: 233-95-31.</p> <p>1 3 4 5 6 7 8</p> |
|---|---|---|---|--|--|